

ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР ПРОЛАПСИ БЎЛГАН АЁЛЛАР АНАМНЕЗИДА СОМАТИК КАСАЛЛИКЛАР СТРУКТУРАСИ

PhD. Шавкатов Х.Ш.

*2-сон Акушерлик ва гинекология кафедраси
Самарканд Давлат тиббиёт университети*

Аннотация

Ушбу мақолада жинсий аъзолар пролапси (ЖАП) бўлган аёлларда анамнездеги соматик касалликларнинг структураси таҳлил қилинган. ЖАП аёллар ўртасида кенг тарқалган патология бўлиб, унинг ривожланишида болаликдаги касалликлар, нафас йўллари инфекциялари, анемия, юрак-қон томир тизими патологиялари ва варикоз каби омилларнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Тадқиқот доирасида 98 беморнинг маълумотлари таҳлил қилинди, уларнинг 67 нафари ЖАПнинг оғир шакллари билан I гуруҳга, 31 нафари эса нисбатан енгил шакллари билан II гуруҳга киритилди.

Натижалар шуни кўрсатдики, болаликдаги касалликлар I гуруҳда 85,1% ҳолатда, II гуруҳда эса 77,4% ҳолатда кузатилган. Ошқозон-ичак тракти касалликлари умумий беморларнинг 61,2% да аниқланган бўлса, нафас йўллари инфекциялари 64,3% ҳолатда қайд этилган. Варикоз касалликлари ва юрак-қон томир тизими патологиялари беморларнинг сезиларли қисмида учраган. Жисмоний фаолият ҳам ЖАП ривожланишига таъсир этувчи муҳим омил бўлиб, уй ва иш шароитидаги жисмоний юкламалар касалликнинг оғир шаклларини келтириб чиқариши мумкинлиги аниқланди.

Ушбу тадқиқот натижалари ЖАП профилактикаси ва даволашни такомиллаштириш бўйича янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Ана шундай чора-тадбирлар ЖАП билан боғлиқ асоратлар хавфини камайтиришга қаратилган аниқ стратегик тавсияларни ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Калит сўзлар: генитал пролапс, меҳнат фаолияти турлари, кин олд ва орқа девор тушиши, бачадон тушиши, POP-Q.

Жинсий аъзолар пролапси (ЖАП) аёллар ўртасида кенг тарқалган патология бўлиб, асосан туғруқ ёшидаги аёлларда учрайди ва уларнинг ҳаёт сифатига жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу патология, айниқса, аёлларнинг жисмоний, ижтимоий ва эмоционал ҳолатига салбий таъсир қилиб, уларни нормал ҳаёт фаолиятидан чеклайди. Тахминан 50 ёшдан юқори бўлган аёлларнинг 30-40% да ЖАП белгилари аниқланади, уларнинг 10-20% да ҳолат касалликнинг оғир даражасига ўтади. Шунингдек, туғруқ жараёнида кесарча

кесиш амалиётининг ошиши ва ёшлигида юзага келган жарроҳлик аралашувлар ҳам ЖАП ривожланишига олиб келувчи омиллардан ҳисобланади.

ЖАП ривожланишида турли факторлар муҳим роль ўйнайди, жумладан, болаликдаги касалликлар, оғир акушерлик анамнези, кўп туғруқлар ва оғир жисмоний меҳнат каби омиллар. Болаликдаги юқумли касалликлар, айниқса, нафас йўллари инфекциялари 60-70% ҳолатда қайд этилади. Анемия ва бошқа соматик патологиялар ЖАП ривожланиши хавфини янада оширади. Бундан ташқари, оёқларда варикоз веналар кенгайиши ва семизлик каби ҳолатлар ҳам ЖАП билан боғлиқ бўлган патологиялар орасида етакчи ўрин тутаяди.

ЖАП диагностикаси ва даволаши учун турли ҳил ёндашувлар мавжуд бўлса-да, патологиянинг оғир даражаларига эга бўлган беморларнинг анамнезини тўлиқ ўрганиш ва жисмоний, шунингдек, ижтимоий шароитларини ҳисобга олиш ўта муҳимдир. Тадқиқотнинг мақсади ЖАП билан оғриган аёллар анамнезидаги соматик касалликлар структурасини таҳлил қилиш ва касалликнинг ривожланиш хавфини камайтиришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсади

Тадқиқотнинг мақсади ЖАП бўлган аёлларда анамнездеги соматик касалликлар структурасини таҳлил қилиш ва ушбу касалликларнинг ривожланиш хавфига таъсирини баҳолашдан иборат.

Материаллар ва усуллар

Ушбу тадқиқотда 98 нафар аёл катнашди. Улар икки гуруҳга бўлинган:

- I гуруҳга 67 нафар ЖАПнинг оғир шакллари бўлган беморлар киритилди.
- II гуруҳ 31 бемордан иборат бўлиб, уларда ЖАПнинг нисбатан енгил шакллари кузатилган.

Беморларнинг анамнези асосида соматик касалликлар тўғрисидаги маълумотлар йиғилди. Жамланган маълумотлар таҳлил қилиниб, ЖАП ривожланиши билан боғлиқ хавфлилик даражалари аниқланди.

Натижалар

Тадқиқот доирасида жинсий аъзолар пролапси (ЖАП) бўлган 98 беморнинг анамнези ва соматик ҳолати ўрганилди. Уларнинг 67 нафари I гуруҳга (ЖАПнинг оғир шакллари), 31 нафари эса II гуруҳга (қисман енгил шакллари) киритилди. Натижалар шундан далолат берадики, болаликдаги касалликлар I гуруҳ беморларининг 85,1% да ва II гуруҳнинг 77,4% да қайд этилган. Бу ҳолат ЖАП ривожланишида болаликдаги умумий саломатликнинг аҳамиятини кўрсатади. Умуман олганда, болаликдаги касалликлар 98 беморнинг 82,6% да аниқланган (1 жадвал).

Юқори нафас йўллари инфекциялари икки гуруҳда ҳам кенг тарқалган бўлиб, I гуруҳда 62,7%, II гуруҳда эса 67,4% ни ташкил қилди. Бу инфекцияларнинг кўп учраши ЖАП ривожланишига таъсир кўрсатувчи омил эканлигини кўрсатади. Анемия ҳолатлари I гуруҳда 53,7%, II гуруҳда эса 61,3% да қайд этилган. Бу кўрсаткичлар аёллар саломатлигига таъсир кўрсатувчи бир қатор омилларнинг ЖАП ривожланишидаги ўрнини таъкидлайди.

Ошқозон-ичак тракти касалликлари умумий 61,2% да аниқланиб, I гуруҳда 64,2%, II гуруҳда 54,8% ни ташкил қилди. Буйрак касалликлари I гуруҳда 43,3%, II гуруҳда эса 45,2% да кузатилди. Юрак-қон томир касалликлари умумий 30,6% да қайд этилган бўлиб, I гуруҳда 31,3%, II гуруҳда 29,3% ни ташкил қилди. Бу ҳолат ЖАП билан боғлиқ касалликларнинг турли хил органларга таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатади.

Семизлик ва варикоз каби ҳолатлар ҳам ЖАП билан боғлиқ ҳолларда кенг учраган. Семизлик I гуруҳда 23,9% ва II гуруҳда 22,6% да аниқланса, варикоз веналар кенгайиши I гуруҳда 61,2% ва II гуруҳда 38,7% да қайд этилган. Варикоз веналар кенгайиши ЖАП ривожланишига жиддий таъсир кўрсатувчи омил сифатида кўрилди.

Шунингдек, ЖАП билан боғлиқ ҳолларда аёлларнинг жисмоний фаолияти ва турмуш тарзининг роли ҳам таҳлил қилинди. Уй шароитида жисмоний фаолият мавжудлиги I гуруҳда 20,9% ва II гуруҳда 19,4% ни ташкил этди. Ишдаги жисмоний фаолият I гуруҳда 23,9%, II гуруҳда эса 29% да қайд этилган бўлса, ҳам уйда, ҳам ишда жисмоний фаолият мавжудлиги I гуруҳда 35,8%, II гуруҳда эса 22,6% да аниқланди.

Ушбу натижалар ЖАП ривожланишида болаликдаги касалликлар, жисмоний фаолият ва турмуш тарзи каби омилларнинг муҳим ўрин тутишини кўрсатади. Уларга асосланган ҳолда ЖАП профилактикаси ва даволаш бўйича мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. (1 жадвал).

Жадвал 1. Жинсий аъзолар пролапси бўлган аёллар анамнезида соматк касалликлар структураси.

Касалликлар	I гуруҳ (n=67)		II гуруҳ (n=31)		Жам (n=98)	
	аб	с.	а	бс.	а	бс.
Болаликдаги касалликлар	57	5,1	24	7,4	81	82,6
ЎРВИ	42		2	6,4	44	44,9

		2,7	1	7,4	3	4,3	
Анемия	36			1	6	5	5
		3,7	9	1,3	5	6,1	
Юқори ва пастки нафас йўллари касалликлари	41			1	4	5	5
		1,2	4	5,2	4	5,1	
Буйрак касалликлари	29			1	4	4	4
		3,3	4	5,2	3	3,9	
Ошқозон-ичак тракти касалликлари	43			1	5	6	6
		4,2	7	4,8	0	1,2	
Юрак-қон томир касалликлари	21			9	2	3	3
		1,3		9,3	0	0,6	
Семизлик	16			7	2	2	2
		3,9		2,6	3	3,5	
Оёқларда варикоз веналар кенгайиши	41			1	3	5	5
		1,2	2	8,7	3	4,1	

Муҳокама

Тадқиқотдан олинган натижалар шундан далолат бермоқдаки, соматик касалликлар ЖАП ривожланишига бевосита таъсир қилади. Жисмоний фаолият, хусусан, уйда ва ишдаги юкламалар, ЖАПнинг оғир шаклларига олиб келади. Бу эса профилактик чора-тадбирларни кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Хулоса

Соматик касалликлар структурасини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, ЖАП ривожланишига асосан болаликдаги касалликлар, нафас йўллари инфекциялари ва варикоз каби патологиялар жиддий таъсир кўрсатади. Жисмоний фаолиятнинг миқдори ва тури ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу маълумотлар асосида ЖАП профилактикаси ва даволашни такомиллаштириш учун янгича ёндашувларни жорий қилиш зарур.

Адабиётлар

1. Hendrix SL, Clark A, Nygaard I, et al. Pelvic organ prolapse in the Women's Health Initiative: gravity and gravidity. Am J Obstet Gynecol. 2002;186(6):1160-1166.
2. Bump RC, Norton PA. Epidemiology and natural history of pelvic floor dysfunction. Obstet Gynecol Clin North Am. 1998;25(4):723-746.

3. Dietz HP, Haylen BT, Broome J. Ultrasound in the quantification of female pelvic organ prolapse. *Ultrasound Obstet Gynecol.* 2001;18(5):511-514.
4. Swift SE, Tate SB, Nicholas J. Correlation of symptoms with degree of pelvic organ support in a general population of women: what is pelvic organ prolapse? *Am J Obstet Gynecol.* 2003;189(2):372-377.

